

ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШДА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ МУҲИМ.

Ибрагимова Гулчехра Тохировна
University of science and technologies

Тел: 90 8062010

Сатторова Меҳринисо
University of science and technologies

Молия ва молия технологиялари
йўналиши 105-гуруҳ талабаси.

Тел:91 7969822

Замонавий дунё рақамли иқтисодиёт таъсирида тез ўзгармоқда. Ҳар куни янги кашфиётлар, ихтиролар ва янги технологиялар пайдо бўлмоқда. Кундан кунга бозорга янги инновацион товар ва хизматлар таклиф этилмоқда. Инсон эҳтиёжлари иқтисодиёт ривожланган сари чексизлиги янада ошиб бормоқда. Иқтисодий ривожланиш ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг доимий ўсиши билан бирга келади. Бир томондан, ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши аҳоли фаровонлигини оширишга ёрдам берса, иккинчи томондан, атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатмоқда. Биз яшаётган замин кундан кунга ифлосланиб, қайта тикланмас бойликлари аёвсиз истеъмол қилиниб экотизимни бузилишига, глобал муаммога олиб келмоқда.

Яшил иқтисодиёт глобал иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал қилишга қаратилган. Яшил иқтисодиёт-бу инсоннинг ер ресурсларига масъулиятли муносабатини назарда тутадиган иқтисодий ривожланиш модели. Бу бойликнинг ўсиши ва табиий ресурсларни сақлаш ўртасида оқилона муросани топишга қаратилган.

“Яшил иқтисодий ривожланиш” концепцияси истеъмолчи иқтисодий ривожланиш моделидан атроф-муҳитни муҳофаза қилишни ҳаракатлантирувчи кучлардан бири сифатида ишлатадиган моделга ўтишни белгилайди. Шунингдек, “Яшил” иқтисодиётни барқарор ривожланиш ва қашшоқликни камайтириш шароитида, ресурслар ва энергиядан оқилона фойдаланиш, углерод чиқиндилари ва ифлосланишни камайтирадиган тоза технологиялардан фойдаланиш ва экологик хавфларни минималлаштириш орқали барқарор ривожланишга эришишнинг асосий воситаларидан бири сифатида тушуниш керак.[2]

Инсоният олдига барқарор ривожланишни мақсад қилиб қўйган. Барқарор ривожланишнинг таркибини қандай тушуниш керак? Барқарор ривожланиш уч ўлчовни ўз ичига олади-иқтисодий, ижтимоий ва экологик. Фақат ҳар бири учун барқарорлик талабларига жавоб бериш орқали ушбу ўлчовлардан умуман барқарор ривожланишга эришиш мумкин. Бугунги кунда 21-асрда келажакнинг асосий концепцияси аниқ барқарор ривожланиш эканлиги тобора равшанлашиб бормоқда. Лекин дунёда барқарор ривожланишга ўтиш зарурати асосан иқтисодий ривожланиш ва атроф-

муҳитнинг бузилиши ўртасидаги номутаносибликнинг кучайиши билан боғлиқ. Кузатишларга кўра охирги 30 йил ичида жаҳонда юз миллионлаб одамларнинг турмуш даражаси табиий ресурсларни аёвсиз сарф қилиш, экологик муаммоларни келиб чиқиши ҳисобига ва илмий-техник тараққиёт натижасида сезиларли даражада ўсди. Бироқ, саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиши ва аҳолининг кўпайиши кўплаб экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ўйланмаган чора-тадбирлар туфайли ўрмонлар худудлари қисқармоқда, сув танқислиги ва атроф-муҳит ифлосланиши кузатилмоқда. Шаҳарлар эса тобора кўпайиб ва мегаполислар сони ортиб бормоқда, бу эса ҳар куни энергия манбаларига, айниқса ёқилғига бўлган эҳтиёжни чексиз ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Агар ҳозирги “барқарорликка қарши” тенденциялар давом этса, кейинги ярим асрда табиий ресурслардан фойдаланиш ва ифлосланиш ҳажми бир неча бор ортади.

Салбий экологик тенденцияларнинг давом этиши бутун инсоният учун ҳам, алоҳида мамлакатлар учун ҳам ўта хавфли оқибатларга олиб келиши мумкин. Дунё аҳолиси 2040 йилга келиб 7 миллиарддан 9 миллиард кишига кўпаяди ва ўрта синф истеъмолчиларининг сони келгуси 3 йил ичида 20 миллиард кишига кўпаяди ва ресурсларга бўлган талаб шиддатли равишда ошади. 2030 йилга келиб дунё аҳолисининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжи камида 50%, энергия 45% ва сув ресурслари 30% га ошади ва буларнинг барчаси экологик чегаралар кенг иқтисодий ўсишга янги чекловлар қўйган бир пайтда содир бўлади. Шунингдек, келгуси ўн йилликларда жаҳон озиқ-овқат нархлари реал равишда 30-50% га кўтарилишини кутишимиз мумкин, бу эса нархларнинг беқарорлигини оширади ва юз миллионлаб одамларнинг аҳволини ёмонлаштиради. [3]

Ушбу ҳолат юзага келиши прогноз қилинмоқда, лекин кўзда тутилмаган табиат инжиқликлари, инсонларнинг табиатга бўлган аёвсиз муносабатлари, сиёсий урушлар ва бошқа глобал омилларнинг юзага келиши жараёни янада тезлаштириши ва ёмонлаштириши мумкин.

Кўплаб ривожланган мамлакатлар томонидан яшил иқтисодиёт концепцияси у ёки бу шаклда аллақачон қабул қилинган бўлиб, унга эришиш чоралари глобал рецессияга қарши кураш воситаси сифатида кўриб чиқилмоқда. [4]

Бу борада Ўзбекистон БМТнинг Барқарор тараққиёт мақсадлари ҳамда Иқлим бўйича Париж битимига қўшилган. Шунингдек, 2019 йилда Ўзбекистон “Яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегияси”ни қабул қилди. Ушбу стратегияда мамлакатда углерод сарфини кескин камайтириш, иқтисодиётнинг барча тармоқларида экологик тоза ва ресурс тежамкор технологияларни жорий этиш, қайта тикланувчи, самарали энергия манбаларидан кенг фойдаланиш кўзда тутилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-436-сон “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида 2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг [тараққиёт стратегиясида](#) белгиланган вазифаларни амалга ошириш, Ўзбекистон

Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегияси доирасида «яшил» ва инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ҳамда иқтисодиётнинг барча тармоқларида ресурсларни тежашни янада кенгайтириш чора-тадбирлари бўйича дастур ва 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида «яшил» иқтисодиётга ўтиш ва «яшил» ўсишни таъминлаш бўйича ҳаракатлар режаси белгилаб олинди. [1]

“Яшил иқтисодиёт”га ўтишда таълим муҳим рол ўйнайди. Бу кўплаб ҳужжатларда, айниқса “ривожланаётган мамлакатларда барқарор ривожланиш учун таълимни тарғиб қилиш” мавзусига бағишланган ҳозирги БМЗ (Федерал иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш вазирлиги) барқарорлик ҳисоботида акс эттирилган. 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида «яшил» иқтисодиётга ўтиш ва «яшил» ўсишни таъминлаш бўйича ҳаракатлар режасида ҳам «Яшил» иқтисодиёт мавзуларини таълим муассасаларининг тегишли ўқув дастурларига киритиш, олий таълим муассасаларида «яшил» иқтисодиёт ва барқарор бизнес бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва «Яшил» ўсиш бўйича илмий тадқиқотларни молиялаштириш механизмларини жорий этиш каби масалалар, уларнинг амалга ошириш механизми ва шакли берилган.

Бизнинг фикримизча “Яшил иқтисодиёт”га ўтишда аввало таълимни оиладан, сўнгра мактабгача таълим муассасаларидан бошлаш лозим деб биламиз. Чунки болага асосий иқтисодий тарбия ва кўникма оиладан бошланади. Иқтисодиёт ва оила таълими бир қарашда мутлақо мос келмайдиган тушунчалар бўлиб туюлади. Аммо замонавий бола ҳаётининг биринчи йиллариданоқ ўзини:

- ўйинчоқларини асраб авайлашни, озиқ-овқатни исроф этмасликни;
- кийим кечакни тоза тутиш ва асраб авайлаб кийишни;
- электр энергия, сув ва бошқа инсон ҳаёти учун зарур бўлган неъматлардан тежамли фойдаланишни;
- ўсимликларни янчимасликни, уларни парвариш қилишни, улар билан озиқланишни;
- чиқиндиларни ҳар ерга ташамаслик, уларни махсус жойга ташашни;
- китоб, дафтар ва бошқа ўқув қуроллари асраб, авайлаб фойдаланишни;
- ўзгалар меҳнатини қадрлаш каби иқтисодий ва экологик тушунчалар ва жараёнлар билан тўлдирилган иқтисодий муҳитда топади.

Хулоса қилиб айтганда барқарор ривожланиш концепцияси нафақат экологик муаммоларга қарши курашишнинг халқаро ва давлат даражасидаги вазифаси, балки замонавий оила, жамият, бизнес ва инновацияларга тегишли ижтимоий-маданий йўналиш субъектларининг ҳам асосий вазифасидир.

Асосий фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-436-сон “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.

<https://lex.uz/docs/6303230>.

2. Зелёная экономика в Республике Молдова: перспективы развития = Economia verde în Republica Moldova: perspective de dezvoltare / Proiectul “Consolidarea guvernării participative prin dezvoltarea OSCurilor”, AO EcoContact. – Chişinău : S. n., 2017 (Tipogr. “Bons Offices”). – 32 ; 32 p. : fig., fot. Tit., text paral.: lb. rom., rusă. – Pag. var. – Carte-valet (inversă). – Referințe bibliogr.: p. 32 (11 tit.). – Apare cu sprijinul financiar al Agenției SUA pentru Dezvoltare Intern. (USAID). – 300 ex.

3. Зелёная экономика и цели устойчивого развития для России: коллективная монография / Под науч. ред. С. Н. Бобылёва, П. А. Кирюшина, О. В. Кудрявцевой. — М.: Экономический факультет МГУ имени М. В. Ломоносова, 2019. — 284 с.

4. UNDESA. A guidebook to the Green Economy. 2012.